

Наманган соя-салкин боғлари ва хиёбонлари, асрий чинорлари минг турли гул ва гулзорлари билангина эмас, саноати ривожланган замонавий шаҳар сифатида ҳам ажралиб туради. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ўз харидорларини топган. Ана шундай қорхоналардан бири Наманган машинасозлик ҳиссадорлик жамиятидир.

“НАМАНГАН” ТАМҒАСИ БИЛАН

Қорхонада ишлаб чиқарилаётган задовжикларнинг ўзигина халқ ҳўжалигининг кўп қисмига таъминлаш бўлмайди. Шунингдек, машинасозлик учун зарур қўян маҳсулотлар дейсизми, кишлоқ ҳўжалиги машиналари ишлаб чиқариш учун асқотадиган айрим эҳтиёт қисмлар дейсизми, барчаси мана шу қорхонада тайёрланади ва етказиб берилади. Тўғри, ўтиш даврига хос мураккаб шаҳароит келтириб чиқарган баъзи муаммолар қорхона ҳам четлаб ўтмади. Лекин ишлашни хоҳлайдиган имконият қидиради. Қорхонанинг оддий ишчисидан тортиб раҳбаригача ишни юритиш, ишлаб чиқаришнинг бир кун бўлса-да, тўхтаб қолишига йўл қўймастик йўл-йўригини излашди ва топшиди ҳам.

Саракни-саракча, пучакни-пучакча ажратаётган бугунги шароитда рақобатбардошликка чидаб бериш ва ғолиб чиқишнинг бош йўли, биринчи навбатда, ишлаб чиқариётган маҳсулотнингизнинг юксак сифатга эга бўлишини таъминлашдир. Деҳди ҳиссадорлик жамияти раиси Маҳмуджон Усмонов. — Маълумки, бизда кўп қисми маҳсулотлар тайёрланади. Лекин қорхонамизни жаҳонга танитаётган асосий маҳсулот задовжиклардир. Ушбу маҳсулотнинг кўп қисмини Россия, Украина, Қозғистон каби бир қатор ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилаёلمиз.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек, қорхонада ишлаб чиқариш самардорлигини таъминлаш ва маҳсулот сифатининг юксак ҳалол талаблар даражасида бўлишига эришиш мақсадида қатъий иш олиб борилмоқда. Шу йўналишда 30 нафар мутахассис Россияда қайта тайёргарликдан ўтиб келди. Шунингдек, яқинда бу ерда “маҳсулот сифати учун раҳбарлик” дастури тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унда маҳсулот тайёрлаш учун қабул қилинган олиналаниш маҳсулотлари билан таъминланган бўлишига эришиш мақсадида қатъий иш олиб борилмоқда. Шу йўналишда 30 нафар мутахассис Россияда қайта тайёргарликдан ўтиб келди. Шунингдек, яқинда бу ерда “маҳсулот сифати учун раҳбарлик” дастури тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унда маҳсулот тайёрлаш учун қабул қилинган олиналаниш маҳсулотлари билан таъминланган бўлишига эришиш мақсадида қатъий иш олиб борилмоқда.

Амалдаги йилда Наманган машинасозларининг қўлаган режалари янада юксак. Улар 2005 йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 миллиард сўмга етказиш, шундан 80 фоизини экспорт қилишга бел боғлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, яқин вақт ичида маҳсулот экспорт ҳажмини йилга 1 миллион долларга етказиш режалаштириляпти.

Яна бир гап. Қорхонада ишчиларнинг умумий меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган. Ишчилар ошхонасида тайёрланаётган таомлар тўйимли, мазази ва дармондориларга бой. Мўҳими, ошхонада ишчилар учун имтиёзли нархларда хизмат кўрсатилади. Ишчи-хизматчилар саломатлиги учун ҳам алоҳида қайғуриляпти. Медицина-санитария қисмида ташқари соғломлаштириш маскани ишлаб турибди. Ёз ойларида вилоят соғломлаштириш масканларига ярим баҳадан ҳам арзон нархларда, фарзандларига эса болалар оромгоҳига бепул йўланмалар берилади. Табиийки, бу тадбирлар иш унумининг янада юксак бўлишини таъминламоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, “Ишонч” мухбири

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 март, чоршанба № 36 (1877)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш йўлидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат эканига алоҳида эътиборни қаратади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН - КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ана шу эзгу мақсадлар замирида мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзловчи «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили мўжассамдир. Бу эса авваламбор марказий ҳокимият ваколатларининг мўайян қисмини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қўнун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга солиш ва янгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Айни пайтда ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, кишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ва ваколатларини амалда янада кучайтиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (УЗА)

«ДЕМАК БАҲОР КЕЛДИ, КЕЛМОҚДА НАВРЎЗ...»

Заррин қўйш олис тоғлар ортидан саҳий нур сочиб, еру кўкни уйғотади. Бир пасда чараклаб турган офтоб юзига оқув булутлар парда тортиб, шивирлаб ёмғир ёға бошлайди. Ёмғир ерни ювиб, чанг ғуборлардан тозалайди, даракларга маржон тақади, ҳар ғиёҳда, ҳар чечакда кўклар чирой очади. Ариқ бўйларида ялғиз, бинафша бўй кўрсатади. Баҳор элчилари ҳар кўнгилга нафосат, гўзаллик улашади. Дилбар ширимиз Абдулло Орипов эътироф этганларидек:



Аввал юрагинга мўралайди у, Сўнгра қуртакларга ўргатади сўз. Заминнинг кўзидан қочади уйку, Демак баҳор келди, Келмоқда Наврўз...

Яна кўнгиллардан рутубат кетди, Яна шуълалардан қамашмоқда кўз. Яна дилдорлиқнинг фурсати етди, Демак, баҳор келди, Келмоқда Наврўз...

Шоир айтганидек, баҳорда руҳни, кўнгилни тозаловчи мушки анбар бор. Бу хушбўй мушк-атридан қалбларга умид шуълаланади. Оламга гулув со-

лаётган булбул навосидан эса кўнгиллар яшаради, туйғулар янгиланади. Наврўз соғинчи бош кўтарди. Юртада эса байрам тараддуди бошланади. Бободехқон барқашдек кетмонини елкасига ташлаб даласига ошиққади. Кетмонига қўшининг ақси тушиб, гўё у офтобни елкасида кўтариб далага олиб

чиқайтган пахлавонга ўхшайди. Жарчиларнинг «аҳшарга» деган овози одамларни меҳр-муруват тадбирига бошлайди. Маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкчаларни янгилаш ишлари бошланади. Биргаликда қилинган меҳнатдан маҳалла обод, хаста кўнгиллар шод бўлади. Биргаликда қилинган меҳнатдан йиқилган деворлар тикланиб, бемор қалблар шифо топади. Кўнгил кўнгилдан саҳоват нурлари ила баҳра олади. Наврўз тадбирлари маънавий қадриятларимизнинг муборак илдиэлари мисол одамларни эзгу ишларга бош-

(Давоми 4-бетда)

Тошкент вилояти касаба уюшмалари конференциясидан

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ МАВҒЕИ НЕГА КУТИЛГАНИДЕК ЭМАС?

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси уюшқоқлик, ўзаро таъабчанлик руҳида ўтди. Асосий эътибор олдинда турган долзарб вазифалар, ечимини қўтайтган муаммоларга қаратилди. Айни кунда вилоятда 500 минг нафардан зиёд меҳнатқашлар касаба уюшмаларига бирлаштирилган. Мазкур ташкилот кенг тармоқли ташкилий тузилмадир. 11 та касаба уюшма кўмиталари, 2 мингдан зиёд бошланғич ташкилот бошини қўуштириб турибди. Мулкчилик кўринишидан қатъий назар деярли барча ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма кўмиталари фаолият кўрсатяпти. Улар амалдаги қонунчилик қаболатларига таяниб, Устав ва Харакат Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишмоқда. Бунда табиийки, ташаббус ва ташкилотчилик кўл келмоқда. Уларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қўнун, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мамлакатимизда 1995 йилда ратификация қилинган «Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияси ва бошқа меъбрий ҳужжатлар муҳим таянч вазифасини ўтайпти.

Бошланғич ташкилотлар иш бериувчилар билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтирмоқда. Тармоқ битимлари, жамоа шартномалари мазкур ҳамкорликни қўнунлаштирувчи асосий омил бўлмоқда. 2004 йили ушбу муҳим ҳужжат қорхона ва ташкилотларнинг 94,7 фоизда тузилди. Қорхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, уларга меҳнатқашлар манфаатларини кўзловчи мингдан зиёд бандлар киритилди. Уларга кўра «Аммофос», «Электр тармоқлари», «Охангарон шифер», «Охангарон цемент», «Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари» ҳамда «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятларида ойлик маош сақланган ҳолда кўп болали аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Шартномавий муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарорига асосан 2001 йилдан бошлаб жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш йўлга қўрилди. Афсуски, барча тармоқ вилоят касаба уюшма кўмиталари ва бошланғич ташкилотлар мазкур ҳужжатнинг моҳиятини чуқур ҳис этмаётганлиги. Айрим тармоқ битимлари ҳам

ловчилар сут маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланашмаяпти.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ушбу долзарб вазифаларни раёсат мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқмоқда. Чоралар кўриляпти. Ачинарли томони шундаки, айрим бошланғич касаба уюшма кўмиталари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари имкониятларидан унумли фойдаланишмаяпти. Оккўрғон, Охангарон, Пскент, Чиноз туманлари агросаноат мажмуалари, «С а н т е х қ у й м а», «Охангаронилласт» ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшма кўмиталари фаолиятда шундай ҳолатлар учраляпти. Иш ҳақининг вақтида тўланиши айни кундаги энг долзарб вазифа. Чунки у меҳнатқашлар асосий ҳаёт кеңириш манбаидир. Буни ҳар бир касаба уюшма фаоли доимо ёдда сақлаши зарур.

Янги иш жойларини яратиш ҳам долзарблигича қолмоқда. Айниқса, кишлоқ жойларида кичик қорхона, маийш хизмат тармоқларини барпо этиш муҳим. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ўз навбатида меҳнатқашлар фаровонлигини юксалтиради.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ижтимоий ҳимоянинг яна бир муҳим қирраси. Ҳисобот даврида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд иш жойларини аттестациялаш, меҳнатқашларнинг махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун барча чоралар қўрилди. Беш йил мобайнида меҳнат мутахассислари томонидан 1 минг 862 қорхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилди. 1 минг 70 тасига кўрсатма ва тавсиялар берилди; 2,5 мингга яқин камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Касаба уюшма ташкилотлари мутахассисларининг аралашуви тўғрисида уларнинг 80-85 фоизи бартараф этилди. (Давоми 3-бетда)



до қилувчи дўконлар мавжуд. Хунармандлар томонидан 11 та дўконда миллий хунармандчилигимиз намуналари кўз-кўз қилинапти.

Суратларда: уста хунарманд Аҳмадullo Содиқов оқсоқол хари-долларга ўзи тайёрлаган ажойиб сандиқларни кўрсатмоқда; тадбиркор ва хунармандлар растасида 20 яқин хунармандлар ўз маҳсулотларини хари-долларга тақлиф этишган.

Ш.ОЛИМОВ (УЗА) олган суратлар

ЎРТАЧЎЛНИНГ МИНИБАНКЛАРИ

«Галлабанк»нинг Навоий вилоят минтақавий филиали Қўзилтепа туманидаги ўртачўл мавзесида Ҳамза ва Ўртачўл минибанк шохобчаларини очди. Бу фермерларга, айниқса, қўл келди. Мижозларга қулайлик яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда уларга амалий кўмак бериш мақсадида ташкил этилган минибанклар мижозлари кундан-кунга кўпаймоқда. Хатирчи тумани маркази Янгирабод шаҳрида ҳам ана шундай минибанк иш бошлади.

салланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори эди. 2004 йилга келиб бу ердадаги аҳвол ижобий томонга кескин ўзгарди. Вилоят ДСЭНМ вирусологика лабораторияси, қўн кўйиш маркази, вилоят ОИТС маркази махсус «Мультискан» ускуналари билан таъминланган. Тиббиёт муассасаларининг қўн кўйиш бўлимлари, косметик пардоз кабинетлари ва шу каби масканлар фаолияти устидан санитария назорати кучайтирилди. Уй ҳайвонлари билан муносабатда эҳтиётсизлик, санитария ва ветеринария қўнун-қойдаларига амал қилмаслик қимматга тушишини унутмайлик.

— Табиатда ҳаво ва сув айланиши ҳудудий қўланнинг кенглиги, хоржий сайёҳларнинг келиши, фуқароларнинг четга чиқиб-қайтиши ҳам четдан касалликларнинг кириб келишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг олдини олишда қандай воситалар қўлланиляпти? (Давоми 2-бетда)

«ДЕМАК БАҲОР КЕЛДИ, КЕЛМОҚДА НАВРЎЗ...»

(Боши 1-бетда)

Инсоният тарихининг мўтабар дурдонаси ҳисобланган «Авесто»да қайд этилишича, эзгулик ҳудоси - Ахурамазда баҳор ва ёзда, ёвузлик ҳудоси Ахраман куз ва қишда ҳукмронлик қилган. Наврўз, яъни янги кунда эзгулик ҳудоси ёвузлик ҳудоси устидан ғолиб қилиб, оламда яшаш ва уйғониш палласи бошланган. Зардуштийларнинг тақвими бўйича Наврўз тантаналари февралдан бошланиб бир ой давом этган. Бундан бу ҳақда шундай ёзади: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳининг барчасини ҳайитга айлантириб, уни олтига тақсим этидилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуг кишилар учун, учинчи ва тўртинчи беш кун подшоҳ хизматчилари, бешинчи ва олтинчи беш кун халқ оmmasи ва чўпонлар учун байрам қилинган. Подшоҳлар уларига аталган беш кунда эл-юрт учун муҳим масалаларни оқил ва донолар кенгаши орқали ҳал этганлар. Халқнинг барча табақаларининг арзлари тингланган».

дагидек уни баҳорнинг бошида нишонлайверган. Натижада тарихда Наврўз бир йилда икки марта байрам қилинган. Йиллар ўтиши билан даврнинг қилвирликлари ўз-ўзидан барҳам топиб, Наврўз қадимий анъанага биноан Хамалнинг биринчи кунда нишонланган.



Наврўзни сохталаштириш учун энг қўпол муносабатлар Шуролар замонид бўлди. Узоқ йиллар уни ўтказиш асосис тақриб қилинди. Маъмурий буйруқбозликлар тўхтамади. Уни сохталаштириш ниятида Навбахор деб аташди. Ҳатто, зўрлик билан Наврўзда «Хотира» кунни таъсис этилди. Барибир ҳар йили оламни яшатиб, яшариб, дилларга сурур бағишлаб Наврўзлар келаверди, одамлар уни ўзларича, баъзида сумалагу халимлар пишириб дусту биродарлари даврасида кутиб олаверди. Эзгуликни, нурни жилолаб бўлмаганидек, табиат байрамими ҳам ҳеч ким йўқ қила олмади.

Куёш мусаффо тонгда юз оғанидек, Ислол Каримовнинг ташаббуси билан Наврўзга муносабат ўзгарди. 1990 йилдан бошлаб Наврўз мамлакатимизда умумхалқ тантанаси, катта байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган, 21 март-умумхалқ байрами сифатида дам олиш кунини деб эълон қилинди. Наврўзнинг унутилган

удумлари, анъаналари қайта тикланди. Наврўз халқ руҳиятига яқинлиги, эзгуликка йўрилгани, бағрида энг гузал урф-одатлар, азалий қадриятларимизни жо этгани билан қадрлидир. Сихат-саломатлик йили муносабати билан бу йилги Наврўз ўзгача, шуқуҳ ва фойз билан кириб келмоқда. Хар бир гузарда, маҳалла, ташкилот ва корхоналарда, олийгоҳ ва мактабларда байрам таррадуи. Айниса, Саховат ва Меҳрибонлик уйлари элдошларимизнинг муруввати ва меҳридан ажиб манзара касб этган. Саховатпеша, саоватлаб юртошларимиз кумағида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилиб, кемтик кўнгилларга бегараз ёрдам уюштирилмоқда.

Маҳаллалардаги оммавий ҳашарларда чор-атроф ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтказилиб, ёлғиз қариялар ва боқувчисини йўқотган хонадонларда қайта таъмирлаш ишлари бажарилимоқда.

Шунингдек, уйғониш ва бунёдкорлик, эзгулик ва муҳаббат байрами муносабати билан янги-янги боғлар барпо этилиб, улкан иншоотлар ишга туширилишига ҳозирлик кўрилмақда.

Бундай савобли тадбирларда оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Мавжуд тармок Марказий кўмиталаридан тортиб бошланган қасаба уюшма кўмиталарига алоҳида дастур асосида Наврўзга таррадуу бошланган. Қасабақўмлар ташаббуси, бевосита сый-ҳаракатлари билан хар бир ташкилот ва корхонада байрам тадбирлари ўтказилиб, кам таъминланган, кўп болали, ноғирон ва етим-есирларга саховат ёрдами уюштирилди. Илгор ички ва хизматчиларга байрам совғалари, муқофотлар улашилди. Шунингдек, оммавий спорт уйинлари, соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилди. Наврўз элни ягона мақсадга бирлаштириб, дўстлаштириди. муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга ўргатади. Табиатга меҳр, меҳнатга рағбат туйғулари Наврўз туйғули қалбларга жўйланади. Узаро ҳамкорлик туйғули кўнгилдан кўнгилдан сув ичади, қалблар саховатдан кубатланади. Навоий бобомиз айтганларидек:

Хар тунинг қадр ўлубон,
Хар кунинг ўлсун Наврўз.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» муҳбири



Самарқандлик уста Хамроқул Ҳайдаров асрий анъаналаримизни давом эттириш ва уларни ёшларга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугун у наола шогирдлар етиштирган тажрибали устоздир.

«Асли касбиим ўқитувчи, лекин мен ёшлимдан хунар ўрганишга қизиққан эдим, - дейди уста Хамроқул Ҳайдаров. - Мусика чолғуларини ясашга ўқувим бўлгани боис тошкентлик уста Олимжон Азизовга шогирд тушдим. Ундан бу хунарнинг кўнгина сирларини ўргандим. Нафақага чиқмакка қадар ўқувчиларга математика фанидан дарс бердим. Сўнг шу хунарга қизиққан ёшларни йиғиб, уларга соз ясаш ва сабоқ беришга бел боғладим.

Суратда: уста Хамроқул Ҳайдаров шогирди Дилшод билан.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Оролбўйидан мактублар

Оролбўйига баҳор келди. Майсалар сочидаги шудринг кўёш нурларида марвариддек ялтиради. Қопқора булут қолган осмондан ёмғир челақлаб қуяди. Суви сийрақлашиб қолган катта наҳрга минглаб томчилар ёққани-ёққан.

ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБДА

Қорақалпоғистонда ҳар қатра суви ҳисобда. Экин майдонларининг кенгайиши туйғули об-ҳаётга талаб ортмоқда. Мироблар деҳқон-фермер ва ширкат хўжалиқларида бўлиб, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишлари яқин боришяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мувофиқ, маъмурий-ҳудудий усулдан воз кечиб, бошқаришнинг ҳавза принципага ўтилди. Хар бири 145 километрдан 300 километргача бўлган 8 та магистрал каналдан иборат «Сууенли» бошқарма жамоаси Хўжайли, Шуманай, Қонлиқул, Кўнғирот ва Мўйноқ туманларини об-ҳаёт билан таъминлайди. «Сууенли-Табанқул», «Сууенли-Кенегес», «Хател-Тошкент», «Шуманай-Киндикўза», «Олтинқул» каби ирригация тармоқларининг кенчаю кундуз бир маромада ишлаши гидромелиораторлардан катта масъулия талаб этади.

Мақсадимиз ҳар қатра сувини тежаб-тергаб ишлатишдан иборат, - дейди ирригация тармоқлари бошқармаси бошлиғи А.Абдуғаниев. - Сувдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари ва механизмлари жорий этилиши, ресурслардан оқилона, мақсадли фойдаланиш, илгор технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни вақтида, узлуксиз таъминлаш, иншоотларни техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва аниқ ҳисоб-китобни таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, бошқарма тасаруфидидаги 1055,7 километр магистрал ва хўжалиқлараро каналлар, 67 насос ҳамда қурилмалар бўлиб, улар кучи билан 152199 гектар майдондаги экин суғурилади.

Хозирга қадар 20 дан ортиқ сув ўтказиш қурилмаси, 81 та гидротехника объектлари, Бу юмушларда 41 та эксковатор ва 23 та бульдозер, 2 та К-700 тракторлари, юзлаб малакали ишчилар қатнашмоқда.

Туманлараро каналлардан 145 километри, Хўжайлига қарашли суғориш шохобчаларидан 272, «Шуманай-Киндикўза» тизимидаги 170, Қонлиқулда 102, Кўнғиротда 108 километрни ирригация-мелиорация тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шайланди.

Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам учраб турибди. Насос станциялари ва қурилмалари тикланганига 15-20 йилдан ошди. Эскирган тармоқларни мукамал таъмирлаш, техника воситаларини тубдан янгилаш пайти келди. Коллектор-дренаж тармоқлари йиллар давомида тозаланмаганлиги панд беряпти. Гидротехника иншоотлар, сув ўлчаш асбоблари, мавжуд техника воситаларини қисқа муддатларда таъмирлаш лозим. Оролбўйида ҳар томчи сув қадри. Фалла майсалари ва боғларни суғориш, ернинг захини ювиш жараёнида сувдан ноўғри фойдаланиш, об-ҳаётни кераксиз жойларга оқиб юбориш ҳоллари аниқланади.

Қиш буйи ёғингарчилик сароб бўлганлиги учун асов Жайхун жўшиб оқмоқда. Сув омборлари ва каналлар об-ҳаётга тенга. Хар қатраси тиллога тулган сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш мақсадида барча суғориш тармоқлари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовур ва дренажларни тозалаш қатъий назоратга олинган.

ЁЛҚИН

ГОЛИБЛАР

Америкада

малака оширади

«Инглиз тилини ўқитиш алоҳчилиги мукототи» халқаро дастурига республикамиз умумтаълим муассасалари ва ўрта махсус билим юрталарининг моҳир ўқитувчилари фаол иштирок этиб, голибликни қўлга киритишмоқда. АКСЕЛС дастури доирасида уюштирилаётган танловнинг навбатдаги босқичи ҳам қўйилган натижани берди.

Мамлакатимиз таълим масканларида ўқувчиларга инглиз тилидан пухта билим беришга эришаётган 18 нафар тажрибали педагог голибликни қўлга киритди. Алоҳчилик мукототида сазовор бўлганлар орасида Хоразм вилояти Богот тумани қишлоқ хўжалиги коллежи ўқитувчиси Жуманазар Қурамов, Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Альбина Шарипова ва бошқалар бор.

Голиблар шу йилнинг ёзида Америкада бўлиб, ўз билим ва малакаларини оширадилар.

ДИЗАЙНЕРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Дизайнерлар халқаро фестивали бўлиб ўтди. Россия дизайнерлар Итгфокси томонидан Москва шаҳрида ташкил этилган бу йилги тадбирда ўнлаб таърикли моделлар фаол иштирок этди.

Ўзбекистондан борган Диана Раимжонова фестивалнинг энг ёш иштирокчиси сифатида ўз истеъдодини намойиш қилди. У ҳозир Тошкентдаги 151-мактабда ўқийди. Авиасозлар маданият саройига қатнаб, моделлар дизайнерлиги сирларини урганяпти.

Д.Раимжонова томонидан тикланган либослар қурқида юқори баҳоланди. У халқаро фестивалнинг совриндори бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.

А.АЛИЕВ

1. Италиялик моҳир «чарм тўп» устаси Винченцо Монтелла ҳозир қайси жамоа шарафини ҳимоя қиляпти?

- A) «Интер»
- B) «Милан»
- C) «Ювентус»
- D) «Рома»

2. Хитой суперлигасида нечта жамоа қатнашининг биласизми?

- A) 16та
- B) 20та
- C) 12 та
- D) 15 та

3. «Бухоро» командасининг қўп йиллик бош мураббийи...

- A) «Интер»
- B) «Милан»
- C) «Ювентус»
- D) «Рома»

КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

- A) Юрий Саркисян
 - B) Шамил Топилов
 - C) Баҳодир Давлатов
 - D) Усмон Тошев
4. «Гулбахор», «Севинч», «Медия», «Ёшлик»... Бу номлар футболнинг қайси турига мансуб?
- A) Аёллар футболга
 - B) Мини футболга
 - C) Футзалга
 - D) Футболга тегишли эмас
5. «Динамо» (Киев) жамоасини ҳозир ким бошқармоқда?
- A) Олег Протасов
 - B) Йозеф Сабо
 - C) Олег Блохин
 - D) Тўғри жавоб йўқ
6. Утишнинг машҳур футболчиси, айни вақтда эса ўзи мамлакатни президент бўлишни хоҳлаётган африкалик. Унинг кимлигини топинг.
- A) Фламен Масенга

ХИТОЙ ДОНОЛАРИ ДЕЙДИКИ

Оромни уйғун ҳаракатлар юзага келтиради.

Кўзларингиз доим ҳаракатда бўсин.

Юзни кўпроқ сийлаб-сыйлаб, массааж қилиб туриш керак.

Сочларни тез-тез тарраб туринг.

Қулоқларни хар доим массааж қилинг.

Юқори ва остки жағ доим бир-бирига тегиб турсин.

Лабларингиз сал очик турсин.

Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ.

Футбол-тест

- B) Нванкво Кану
 - C) Жорж Веа
 - D) Дидье Дрогба
7. Машҳур «Сан-Сиро» стадионига қанча томошабин сигади?
- A) 85.700
 - B) 100.000
 - C) 65.000
 - D) 92.000
8. Ҳозирга қадар миллий тарма жамоамизда энг кўп тўп киритган футболчи ким?
- A) Максим Шацких
 - B) Александр Гейрих
 - C) Игорь Шкирин
 - D) Миржалол Қосимов

- Саида Сатторовна, сизни бир аёл сўрапти!

Аёл котибасига норозироқ боқди: - Бугун қабул куним эмас-ку?!

- Айтим.. Дугонангиз эмиш. Болалиқдан қўшни бўлганмиш, дейди. «Клар! Ха, ўша Клар... Қизик, нега келибди?» Саидохон бир зор кош чимирганча ўйла-Богот тумани қишлоқ хўжалиги коллежи ўқитувчиси Жуманазар Қурамов, Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Альбина Шарипова ва бошқалар бор.

- Саида, бормисан? Бояндан бери зашинг ёнида турибман-а! - ўзини яқин олиб гапирди «мехмон» аёл. Сўнг Саиданинг жиддий қиёфасига қўзи тушиб индамай қолди. Собиқ қўшни кизга ер остидан қаради: - Ҳалиям менадан арзисман? Унутгансан деб ўйловдим... - Ха, унутганман, - деди Саидохон Клар билан қўл бериб омонлашаркан. - Энди... Идорамизнинг тартиби шунақа, кишини жиддийроқ қилиб кўраркан. Ҳозир иш вақти тугайди, бирор жойга бориб ўтирамиз, хўпми? - Кайфиятим йўқ, Саида. Бир ҳафтадан бери уйимизда мотам. Эр-хотин иккимиз тўхнатилган қўйибган. Иш йўқ, даромад йўқ. Сендан маслаҳат сўраб келдим.

- Қанақа маслаҳат, тўшун-маянган!

- Ишимиз терговга ошди, ноқонуний иш қилганмишимиз. Дўконимиз ёнида ароқ ичган уч-тўрт йигит маст бўлиб қўлиб, Хадичанинг қизига хи-ралик қилишди. Қиз базўр қочиб кутулибди. Шундан сўнг Хадича устимиздан ёзган, келиб текширишди, дўконни ёпишди.

- Ким у Хадича? Очирок гапир!

- Э, бир бева аёл-да! Ховлисининг чеккасидаги уйни ижарага олгандик. Уни таъмирлаб дўкон қурдик. Ҳафтада пул, у-бу егулик бериб турардик. Индамай юривди, кейинги пайтда тили чиқиб қолди. Уқиддан қайтаёган қизлари дўкон ёнидан ўтишга қўрқаркан!

- Ароқ сотганилардан бери ховлимиз атрофида бадмастлар кўпайиб кетди» дейдимиз-ей.

Хуллас, устимиздан арз қилдишди. Мана, унинг дастидан идорамизга ароқ юримиш энди. Бева-бечора деб қайишгандик, яхшиликни билмадик.

- Кўй, шу гапингни! Нега у аёлни бечора дейсан? Халол ишласа, ҳалол яшаса, унда нима айтиб? Талаби ҳам тўғри, - Саида Сатторовна чертиб-чертиб сўзлади. - Юр, бизникига бормамиз, ўтириб батафсил гапир-шамиз.

- Йўқ. Ҳозир кўнглимга сиймайди. Бизни ҳимоя қилармикансан деб келувдим... - Ишимизда шошма-шошарлик кетмайди. - Саида Клранинг сўзини бўлди. - Эртага барча ҳужжатлар билан кел, танишиб чиқай.

Иккаласи идора ёнида хайр-халаси.

Саида Сатторовна камқотар йўлкадан уйлари томон кетаркан, хозиргина Клар билан бўлган сўбатни хаёлдан ўтказди. «Тавба, бировларни «бечора», «попагина қўли қиска» деб гапириб одати ҳалиям қолмабди. Оддийгина яшайдиган одамни «камбағал» деяверадим. Нега шунақайкин-а? Ахир ҳаммаюм унга ўшаб пулни пулга уриш-тириб юрмайди-ку. Эҳ, Клар!» Саидохон болалик чоғларини эслади. Ушундан улар қўшни туришар, Саида ва Клар мактабга бирига бориб келишарди. Бу икки қиз аввалига жуда иноқ эдилар, кейинчалик... Бир кун Клранинг онаси Саидалараникига чиқди. - Жуда кўпчиликсизлар-а, - деди у Саиданинг онасига ачин-гандек қараб. - Ҳозир куруқ ма-ошга яшаб бўладими? Мана, Азиз билан Клранинг кийимла-

- Бу айб эмас, қизим. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Кейин бу ҳақда бошқа гап очилмади. Саида онасини аярди. Чунки отаси кўп йиллардан бери касалманд, онаси дори-дармонга деб пулни тежаганини дежаган эди. «Отанг йилда икки марта санаторида ётиши керак, анча-мунча харажати бор» дерди ҳар гал. Узи аллақандай институтнинг кутубхонасида ишлар, бўш вақтларида у-бу тикиб сотарди. Саида уйда тўнғич қиз,

мактабда яхши ўқирди. Бу оилада тинчлик-тотувлик муҳажасам эди. Лекин қўни-қўшниларнинг ортиқча гап-сўзлари гоҳо бу тинчликка раҳна солиб турарди.

- Онажон, қизлар мени байрам даврасига қақришмади. Барибир пул йиғамиз десак топиб беролмайди дейишганда. Утган гал ҳам шундай қилишувди, - дейди кичкина Ноила ўпқаланганча уйга кираркан.

- Қўй, хафа бўлма, байрам даврасини уйда зўр қилиб ўтказамиз, - дея синглисини юпатарди Саида.

Байрамларда катта столга оппоқ дастурхон ёзилар, шу кунни саккиз-тўққиз жон йиғилишар, байрам хушқачқалик билан нишонланарди.

Қўшнилари Клранинг отаси - фирма хўжайини, уйларида хар кун базм. Қунора меҳмон. Онаси ҳеч қаерда ишласадан чиройли кийиниб юради. Клар ва укаси Азизнинг кийим-кечаги ранг-баранг, бугун бирини кийса, эртасига бошқасини кийарди.

Баъзида Клар Саида билан мактабга кетаётиб, унинг кийимларига ачиниб қарарди: - Битта куйлакни намунача

Турмуш чорраҳаларида

киймасанг? Онангга айт, бошқасини олиб берсин!

- Отам тузалиб кетсалар, хар кунни янги кияман!

Шундай кунларнинг бирида Клар Саидага шивирлаб гапирди: - Сенгамам айтишдики, отанг... тузалмас экан! Дўқтирлар шунақа дейганмиш!

- Бекор гап, - чинқириб

нақа қувонтирдик! Лекин, кимдир бу хушxabарга ишонди, кимдир йўқ... «Таниш бўлмас, пули бўлмас, чиндан ҳам ўқиш-қирдимикин?» дегувчилар бўлди.

«Тавба, ким билан сўзлашма, «таниш-билишинг бўлиши керак» деяверадим. Ахир ҳалол ишлаб, тўғри яшаётганлар кўп-ку. Уларнинг ўқишга ё ишга етаклаб оқибди қўйдиган «таниш-билиши» йўқ, аксинча кучи-қуввати бор, билими бор. Мана шуларга суянишди. Мен ҳам ўзимга ишонаман, ўзимга суянаман! Билимни мутахассис бўлман!» Саида ўз-ўзига сўз берди.

Мана, ишлари ўзи истагандек кетаяпти. Оила кўрди, фарзандлари бор. Уни кўпчилик ақли аёл, тўғри иш юритувчи сифатида танишадди. Хар кун эрта тонгда онасининг дуоларини олиб ишга отланади. Бугун эса... Собиқ қўшини Клар ундан кўмак сўраб келди.

Йўқ, Саида виждонига хилоф иш қилолмайди!

Ахир қийналиб яшади. Омад пиллапоярлидан жуда секинлик билан юқорилади, энди фақат тўғри ва ҳалол ишламоғи зарур!

У чўнтак телефони олиб рақам терди. «Алло» деган товушни эшитган, овозига кескин тус берди: - Клар! Салом бу мен. Сенга ёрдам беролмас эканман. «Бошқа энди ноқонуний иш қилмайман» десанг, бас, кечирингизди. Узингга ҳам осон бўлади шунда.

Саида анча ёнгли тортиди. Бу «ишқал» масалада ўзини четта тортгани учунмас, йўқ, Клранга «ёрдам беролмайман» деб айтгани учун қувонаётганда у.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Навир кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳасасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.